


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	<i>70730801 – Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>70730801– Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	10
	Келишув варағи.....	11

1. 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги магистратура магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги магистратура мутахассислиги малака талабнинг қўлланилиши.

Малака талаби **70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги магистратура мутахассислиги** бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукукига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги магистратура мутахассислиги – “Архитектура ва қурилиш” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, таълим муассасаларида темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалигига оид махсус фанларни ўқитиш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтларида илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориш; “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқармаларида, минтақавий темир йўл инфратузилма объектларини қуриш ва эксплуатациясини амалга оширувчи ташкилотларда ҳамда “Йўл хўжалиги” бошқармасида ва унинг линия корхоналарида комплекс масалаларни ечиш.

1.2.2. 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;

– давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;

– илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик ва илмий-тадқиқот муассаса ва ташкилотлари;

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги ишлаб чиқариш корхоналари;
- темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги объектлари, жихозлари ва қурилмалари;
- илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш-конструкторлик жараёнлари;
- ўқув жараёни.

1.2.3. 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

1.2.4. 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофик темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги соҳасига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалигида ўтказилаётган илмий тадқиқот лойиҳалар мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар тадқиқ қилиши ва ишлаб чиқиш;
- темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ва дастурлар пакетларини қўллаш;
- темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги объектлари қурилиши халқаро тажрибаларга мувофик экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;
- илмий-техникавий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;
- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, халқаро тажрибалардан фойдаланиш;
- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *малакаларига эга бўлиши керак*;
- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ОТМ кафедра филиаллари махсус цехларида ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги объектлари қурилиши ва эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тузиш, улардан фойдаланиш бўйича янги лойиҳалар киритиш ва татбиқ қилиш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатациясини самарали бошқариш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатациясини такомиллаштириш бўйича халқаро тажрибаларга мувофиқ янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилинишини ташкил қилиш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши билан боғлиқ бўлган лойиҳа ва технологияларни таҳлил қилиш ва замонавий ахборот технологияларини қўллаш олиш;
- технологик жараёнлар ва уларнинг элементлари бўйича синовлар ўтказиш;
- информацион хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш; метрологик таъминот ва техник назорат қилиш;
- замонавий техник воситалардан фойдаланиб зарурий лойиҳаларни бажариш;
- компьютер технологияларини ривожланиши жараёнида ҳосил бўладиган янги масалаларга тез мослашиш учун олинган назарий билимларни қўллаш олиш, зарур ҳолларда тезкор қарорлар қабул қилиш;
- маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- ахборот технологиялари учун алгоритмларни ишлаб чиқиш ва татқиқ этиш;
- тизимли ва амалий дастурий таъминот маҳсулотларини, дастурлар мажмуасини, алгоритмик ва дастурлаш тилларини ўрганиш;
- илмий ва лойиҳавий-конструкторлик-технологик фаолият муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши ва эксплуатацияси тизимларидан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатацияси амалий масалаларини ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни қўллаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилишини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда халқаро тажрибаларга мувофиқ технологик жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш, фавқуллода содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа командасини бошқариш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши ва эксплуатацияси ишлаб чиқарув жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ижрочилар ва илмий-тадқиқот жамоаси ишини режалаштириш, ташкил қилиш, информацион ва аппарат таъминоти масалаларини ечиш ва бошқариш;
- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатацияси бўйича фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- қабул қилинаётган қарорларни миқдорий ва сифат бўйича баҳолаш, илмий ютуқларни қўллай олиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши ва эксплуатацияси ишлаб чиқарув жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

- халқаро тажрибаларга мувофиқ темир йўл инфратузилма объектлари қурилишини ташкиллаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг халқаро тажрибаларга мувофиқ инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

2 70730801-Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1 Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

– ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2 Касбий компетенциялар:

– илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

– педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

– таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

– илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

– давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;

– ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

– ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

– фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиш;

– ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

– илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланиши бўлиши;

– касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаш, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

– ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаш;

– ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

– ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

– бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиш;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

– илмий-текширув ишлари структураси, босқичлари, статистик услублари, аниқлаш асослари, кашфиёт ва патентга ҳужжатларини расмийлаштиришни билиши, илмий билиш методологик предмети, илмий-тадқиқотда гипотезалари, таҳлил ва гипотезалари, тадқиқотнинг тизимли методларини танлаш малакаларига эга бўлиш;

– махсус фанларни ўқитиш методикасига кўникма ва малака шакллантириш, педагог аъёнлари бўйича тасаввурга эга бўлиш, ўқув юктамлари, ўқув-услубий

ишлари, илмий ва тарбиявий ишлари, ўқув режалари, янги педагогик технологиялар, ўқув жараёни эффективлиги ва технологиясини ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий-тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши назарияси ва бошқариш асослари, ташкилий ечимлар ишончлилигини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида турли восита ва усулларни қўллаш, чораларни қўриш ва тадбирларни амалга ошириш;

- турли табиий шароитлар таъсирини эътиборга олган ҳолда темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатациясини шу жумладан халқаро талабларга мос равишда лойиҳалаш, ташкил этиш ва бошқариш;

- темир йўл транспорти ва йўл хўжалигининг замонавий илмий-техник тараққиёти

- йўналишлари ташкилий-техник масалаларини ечиш амалиёти, ер полотноси элементларининг деформацион ҳолатини баҳолаш, улоқсиз йўлнинг мустаҳкамлик мезонларини белгилаш;

- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари қурилиши ва эксплуатацияси лойиҳалаш меъёrlарини танлаш ва асослаш тамойиллари, йўл хўжалиги объектларининг ишончли ишлаши ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;

- темир йўл ва йўл хўжалиги объектлари эксплуатациясида тизимли таҳлил ва моделлаштириш усуллари билан ечим қабул қилиш, халқаро талабларга мос техника, ускуна ва материаллардан асосли фойдаланиш;

- темир йўл хўжалигини юритиш, машина ва механизмлар мажмуасини бошқаришни, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси талаблари, янги ва юқори тезликли темир йўлларни қуриш, электрлаштириш ва реконструкция қилиш ишларини ташкиллаштириш;

- темир йўл элементларининг техник ҳолатини ва камчиликларини аниқлаш, янги ва юқори тезликли темир йўлларни жорий фойдаланиш ва таъмирлаш даврида ресурсларни ҳисоблаш, йўл ишлари технологик жараёнларини ва меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш, темир йўл элементларини диагностикалашда статистика усулларини қўллаш ва техник ҳолатни башоратлаш;

- темир йўл ва унинг элементларини мустаҳкамлик ва турғунликка, табиий геологик шароитларга мослигини ва химоялаш иншоотларини ҳисоблаш, темир йўлни тезюзар ва юқори тезликдаги поездлар ҳаракати учун қайта қуришни ташкиллаштириш, ташкилий вариантларни таққослаш, тизимли таҳлилни қўллаш;

- темир йўллар қурилиши ташкилини лойиҳалаштириш ва реконструкция қилиш асосий қоидалари, янги темир йўллар ва иккинчи йўллар қурилиши, мавжуд магистралларни электрлаштириш ва реконструкция қилиш ишлари комплекси ва уларни ташкиллаштириш;

- темир йўл линияси инфраструктурасини тезюзар ва юқори тезликдаги поездлар ҳаракати учун қайта қуришни ташкиллаштириш, лойиҳалашда техник ечимларни тизимли таҳлилни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш;

- меъёрий ва техник ҳужжатлардан ва стандартлардан фойдаланиш;

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Йўл хўжалиги бошқармаси тассаруфидаги корхоналарида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда иқтисодий хавфсизлик тамойилларини қўллай билиш;

- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги, ўқув-меъёрий хужжатлар, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Йўл хўжалиги бошқармаси, инновацион лойиҳалар, технологик жараёнлар, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, таълим шакллари, кредит-модуль тизими, ўқув режа, фан дастури, меъёрий муддат, ўқиш шакли, малака (даража)си, ўқув-тарбия фаолияти, бошқарув ходимлари, Давлат аттестация комиссиялари, касбий фаолиятларининг тавсифи, илмий-тадқиқот муассаса ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот фаолияти, педагогик фаолият, ишлаб чиқариш-технологик фаолият, ташкилий-бошқарув фаолият, лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолият, темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш, темир йўл хўжалигини юритиш, машина ва механизмлар мажмуасини бошқариш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси талаблари, юқори тезликли темир йўлларни қуриш, электрлаштириш ишлари, темир йўл элементларининг техник ҳолати, темир йўлларни жорий фойдаланиш ва таъмирлаш, йўл ишлари технологик жараёнлари, йўл элементларини диагностикалаш, реконструкция қилиш ишлари комплекси, иккинчи йўллар қурилиши, мавжуд магистралларни электрлаштириш, қайта қуришни ташкиллаштириш ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл изи конструкциялари, махсус фанларни ўқитиш методикаси, илмий-текширув ишлари структураси, намунавий услубиётлар, тадқиқот методлари ва методологияси, ахборот ва педагогик технологиялар, илмий семинар, илмий жараён, илмий мақола, маъруза, рисола, конференция, симпозиум, патент, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, педагогик технологиялар, ўқув адабиёти, ўқув-методик мажмуалар, умумметодологик фанлар, мутахассислик фанлари, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, мажбурий ва танлов фанлар.

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ректор _____ О.Абдурахманов



Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
инноватор технологияларни татбиқ этиш
маркази

Вазир ўринбосари _____ А.Муминов

Директор в.б. _____ М.Эсонов



М.Ў. 202__ йил «__» _____

2022 йил « »

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси**

Тошкент архитектура-қурилиш
институту

Бошқарма
бошлиғи

А.Хамролиев



Ректор Р.Ҳакимов

